Куч — адолатда

2011 йил,
15 декабрь,
пайшанба
№ 49 (355)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилди

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашиш бизнинг қон-қонимизга сингган юксак маънавий туйғу. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

Соғлом оилада соғлом фарзандлар вояга етади. Ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган "Соғлом она — соғлом бола" концепциясининг мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиши самарасида бугун Ўзбекистон болалар саломатлигига энг ғамхўр бўлган етакчи мамлакатлар сафидан жой олди. Оилаларда соғлом муҳитни яратиш, оналар саломатлигини сақлашнинг юксак натижалари яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда ҳам алоҳида эътироф этилди.



Инсонни оиладан айри тасаввур этиб бўлмаганидек, оиласиз жамиятни ҳам тасаввур этиш мумкин эмас. Оила фарзандларни тарбиялаш, одамларнинг маънавий ва жисмоний камолотига хизмат қилиш, уларни ягона мақсад сари бирлаштириш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш вазифалари учун ҳам масъулдир.

Дарҳақиқат, оила — жамият негизи. Шу боис оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Оиланинг ҳуқуқий асослари, аввало, Конституциямизда, шунингдек, 1998 йил сентябрдан амалга киритилган Оила кодексида мустаҳкамланган.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун қилаётган ишларимизнинг барчаси фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш

жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш юзасидан изчил чоратадбирлар амалга оширилаётгани фуқароларда қонунга ҳурмат руҳини шакллантирмоқда.

Миллий қонунчилигимизнинг ҳар жиҳатдан такомиллаштирилаётгани, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштирилаётганидан кўзланган мақсад ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, инсоният тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик, айниқса, коррупцияга қарши курашиш ҳар доим долзарб аҳамият касб этган. Зеро, бу иллат — инсон ҳуқуқларини бузишга, иқтисодиётни издан чиқаришга, энг ёмони, башарият хавфсизлигига дахл қилувчи жиноятларга йўл очади. Шунинг учун мазкур жиноятга қарши курашиш долзарб аҳамиятга молик бўлиб, 2003 йил 31 октябрда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қабул қилинган.

Мамлакатимиз ушбу конвенцияни ратификация қилган бўлиб, 2008 йил 7 июлда **"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида"**ги қонун қабул қилинган.

(Давоми учинчи бетда)

"Айбига иқрор бўлмоқ — марднинг иши" деб бежиз айтилмайди. Зеро, хатосини тушунган кишигина уни тузатишга ҳаракат қилади. Шу маънода хатосини тузатишга имкон бериш — айбдорнинг тўғри изга тушиб олиши учун катта имкониятдир. Энг муҳими, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан бири ана шу мақсадга — жиноий жазоларни либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилди.

Bag`rikenglik tamoyillari

Зарарни ихтиёрий қоплаш

жазо тайинлашда айбни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади

Маълумки, Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири — етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш экани белгиланган. Қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра, зарар ўрнини қоплаш ҳар қандай турдаги — жисмоний, мулкий, маънавий зарарга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Зарар ўрнини қоплаш деганда, айбдорнинг жиноий ҳаракатидан келиб чиққан зарарли оқибатларни камайтиришга қаратилган, ноқонуний тажовуз туфайли етказилган зарар ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этишга қаратилган онгли ҳаракатлари тушунилади.

Мисол учун Аминжон Ашуров аввал ҳам бир неча марта жиноий қилмишга қўл урган. Унга Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазо тайинланган. Лекин у жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Аммо А.Ашуров бу бағрикенгликдан тегишли хулоса чиқариб олишни хаёлига келтирмади.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Фуқаролар манфаати муҳофазаси йўлида

Маълумки, мамлакатимизда барча жабҳаларда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, энг аввало, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси устувор аҳамият касб этади. Шу маънода инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, адлия идораларининг ҳам биринчи навбатдаги вазифалари сирасига киради.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда мурожаатларни кўриб чиқиш жараёни алоҳида аҳамиятга эга.

Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилнинг дастлабки 9 ойи давомида Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқаролардан келиб тушган 117 та мурожаатдан 98 таси кўриб чиқилди ва 51 таси қаноатлантирилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 43 та тақдимнома ҳамда 19 та даъво аризаси киритилди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак, М.Набихонова 2011 йил 4 январь куни "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг Оҳангарон тумани филиали ва Оҳангарон шаҳри "Сувоқава" ИЧШК раҳбарлари хатти-ҳаракатлари юзасидан адлия бошқармасига мурожаат қилган. Унинг мурожаатини ўрганиш натижасида **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун талаблари бузилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилди ҳамда кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича судга юборилди. Суднинг қарорига асосан, "Сувоқава" ИЧШК раҳбари З.Насруллаев, "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг Оҳангарон тумани филиали раҳбари И.Эшбоевларга маъмурий жазо қўлланилди.

Бошқарма томонидан фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, аввало, қонунчиликни тарғиб этиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг **"Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори мазмун-моҳиятига доир 80 дан ортиқ семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2011 йил 25 ноябрь № 08-11 Тошкент шаҳри

Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида

Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти судлар оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишаётганликларини кўрсатади. Шу билан бирга, судлар фаолиятида мазкур қонунчиликни қўллашда хатоликлар ҳам мавжуд.

Оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тушунтирилсинки, давлат томонидан оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши, болалар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг, ота-онанинг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, ҳимояланиши каби конституциявий принципни таъминлаш судларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан судлар оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишга нисбатан эътиборни оширишлари, мазкур тоифадаги ишларни судда кўришга пухта тайёрлашлари, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари ва тарафларнинг ўзаро муносабатларини тўла аниқлаш юзасидан чоралар кўришлари лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Оила — жамиятнинг муҳим бўғини

унинг барқарорлиги учун барчамиз масъулмиз



Аждодларимиз азал-азалдан оилага муқаддас маскан деб қараб, уни асраб-авайлаш, обод этишни муқаддас бурч ҳисоблаганлар.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида эътироф этилганидек, халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

Назорат инстанцияси

фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

Маълумки, Конституциямизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2. Оила кодексининг 61-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилганда, оталик онанинг ва ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг биргаликдаги аризасига мувофиқ (боланинг онаси вафот этган, у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, унинг яшаш жойини аниқлаш имкони бўлмаган ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда ўзини боланинг отаси деб тан олган шахснинг аризасига мувофиқ) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан белгиланади.

Оталик, агар боланинг ота-онаси қандайдир сабабларга кўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига унинг келиб чиқиши (насл-насаби) тўғрисида биргаликда ариза бермаган бўлсалар, суд томонидан белгиланади.

3. Оталикни белгилаш тўғрисидаги масала суд томонидан боланинг ота-онасидан бирининг, васий (ҳомий)си ёки бола қарамоғида бўлган шахснинг ёхуд вояга етганидан сўнг боланинг ўзи берган аризага мувофиқ даъво ишини юритиш тартибида ҳал этилади (Оила кодексининг 62-моддаси).

Боланинг онаси вафот этган, муомалага лаёқатсиз деб топилган, она қаердалигини аниқлашнинг имкони бўлмаган ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда ҳам, агар васийлик ва ҳомийлик органи боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг аризасига биноан оталикни белгилашга розилик бермаган бўлса, суд ўша шахснинг аризасига мувофиқ оталикни даъво ишини юритиш тартибида белгилаши мумкин (Оила кодексининг 61-моддаси иккинчи қисми).

4. Оила кодексининг 72-моддасига кўра, никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар ўн олти ёшга тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақлидирлар. Шу муносабат билан суд уларнинг оталикни белгилаш тўғрисидаги аризасини қабул қилишни ФПК 152-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан рад қилишга ҳақли эмас.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги иш бўйича тараф вояга етмаган шахс бўлса, суд унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида унинг ота-онаси ёки васийсини қонуний вакил сифатида ишда иштирок этишга жалб этиши шарт (ФПК 38-моддаси иккинчи қисми).

5. Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза суднинг иш юритувига фақат бола туғилганлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилганидан сўнг ва отаси ҳақидаги ёзув Оила кодексининг 207-моддаси учинчи қисмига мувофиқ амалга оширилган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилганда қабул қилиниши мумкин. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида боланинг туғилганлиги қайд этилмаган бўлса, суд аризани қабул қилишни рад этади. Бундай ҳолда суд манфаатдор шахсга туғилишни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши шарт.

Боланинг отаси тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан амалга оширилган ёзув бола унда кўрсатилган шахсдан келиб чиққанлигини тасдиқловчи далил ҳисобланиши туфайли, туғилиш тўғрисидаги далолатнома ёзувида Оила кодексининг 207-моддаси биринчи ва иккинчи қисмига мувофиқ боланинг отаси сифатида бошқа аниқ шахс кўрсатилган ҳолда ҳам суд аризани қабул қилишни рад этади.

6. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонунда мазкур тоифа ишлар бўйича даъво муддатлари назарда тутилмаган бўлиб, оталик бола туғилганидан сўнг ҳар қандай вақтда белгиланиши мумкин. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, Оила кодексининг 62-моддаси иккинчи қисми мазмунига кўра, 18 ёшга тўлган шахсга нисбатан фақат унинг розилиги билан, агар у муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг васийси ёки васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан оталик белгиланилишига йўл қўйилади.

7. Оила қонунчилигига мувофиқ ота-оналар ва болаларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари болаларнинг келиб чиқишига асосланади. Шунинг учун оталикни белгилашга оид ишларни кўришда суд боланинг даъвогар ва жавобгардан туғилганлигини аниқлаши шарт.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда (Оила кодексининг 62-моддаси учинчи қисми) оталикни белгилаш тўғрисидаги низоларни ҳал этиш чоғида суд эътиборга олиши зарур бўлган муайян шартлар белгиланган. Бу шартлар қуйидагилардир:

боланинг онаси ва жавобгарнинг бола туғилишига қадар биргаликда яшаганликлари ва умумий рўзғор юритганликлари;

боланинг онаси ва жавобгар болани биргаликда тарбия қилганликлари ёки таъминлаб турганликлари;

жавобгар оталикни тан олганлигини ишончли тасдиқловчи бошқа далиллар мавжудлиги.

Судларга тушунтирилсинки, оталикни белгилаш тўғрисидаги талабларни қаноатлантириш учун кўрсатиб ўтилган шартлардан биттаси иш бўйича аниқланиши етарли.

8. Жавобгарнинг боланинг онаси билан биргаликда яшаганликлари ва умумий рўзғор юритганликлари оилавий муносабатларга хос бўлган ҳолатлар (ҳомила пайдо бўлган вақтда ва бола туғилгунга қадар битта турар-жойда яшаш, умумий бюджет юритиш, биргаликда овқатланиш, ўзаро ғамхўрлик, умумий фойдаланиш учун молмулк сотиб олиш ва ҳ.к.лар) мавжудлиги билан тасдиқланади.

Тарафлар биргаликда яшашганми ва умумий рўзғор юритишганми, деган масалани ҳал этишда суд алоҳида олинган ҳар бир ҳолда ишнинг муайян ҳолатларидан ва тарафлар ҳаётининг объектив шарт-шароитларидан келиб чиқиши лозим.

Бола туғилгунга қадар тарафлар ўртасида бундай муносабатларнинг тугатилиши ўз-ўзидан оталикни белгилаш тўғрисидаги даъвони рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди, улар ҳомиладорлик бошлангунга қадар тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Болани биргаликда тарбия қилиш боланинг онаси ва жавобгар билан бирга яшаганлигида ёки жавобгарнинг бола билан муносабатга киришиб, унга нисбатан оталарча ғамхўрлик ва эътибор кўрсатганлигида намоён бўлади.

Боланинг биргаликда таъминлаб турилиши деганда, бола онаси ва жавобгарнинг қарамоғида бўлганлиги ёки жавобгар томонидан бола таъминоти учун муттасил ёрдам кўрсатилиб келинганлиги, бундай ёрдам миқдоридан қатъий назар, тушунилиши лозим.

10. Жавобгар томонидан оталик тан олинганлигини тасдиқловчи бошқа далиллар сифатида суд ишончли деб топган ҳар қандай фактик маълумотлар (хатлар, телеграммалар, фотосуратлар, анкеталар, турли инстанцияларга ёзилган аризалар), у боланинг отаси эканлигини тан олганлигини тасдиқловчи бошқа ҳаракатлар, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмалари бўлиши мумкин. Бундай икрорлик онанинг ҳомиладорлиги даврида ҳам (масалан, болалик бўлишни хоҳлаш, бўлажак боланинг онаси ҳақида ғамхўрлик), бола туғилганидан сўнг ҳам ифода этилиши мумкин.

11. Агар оталикни белгилаш ҳақидаги даъвога асос сифатида даъвогар томонидан кўрсатилган ҳолат ўз тасдиғини топмаса, суд ўз ташаббуси билан Оила кодексининг 62-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган бошқа ҳолатлар ёки улардан бири мавжуд бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши шарт ва даъво асосини даъвогарнинг розилиги билан ўзгартириб, ҳал қилув қарорини аниқланган бошқа ҳолатларга ҳавола қилган ҳолда асослантиришга ҳақли.

12. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья даъвогар ва жавобгар билан суҳбат ўтказиш орқали улар ўртасидаги ҳақиқий муносабатларни аниқлаш чораларини кўриши, низони тарафларнинг ўзаро розилиги билан ҳал этиш имкониятини аниқлаши, зарур ҳолларда, Оила кодексининг 62-моддасида кўрсатилган шартларни тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши лозим.

Агар суҳбат давомида жавобгар боланинг отаси эканлигини тан олса, суд тарафларга оталикни Оила кодексининг 61-моддаси биринчи қисмига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига биргаликда ариза бериш орқали ихтиёрий расмийлаштириш имкониятини тушунтириши ва шу мақсадда тарафларга муайян муддат бериши лозим.

Оталик тарафларнинг биргаликдаги аризасига асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан белгиланган ва боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома тақдим этилганда, суд ФПК 100-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш бўйича иш юритишни тугатади. Агар оталикни белгилаш ҳақидаги даъво билан бир пайтда алимент ундириш тўғрисида талаб қўйилган бўлса, ишнинг шу қисми суд томонидан умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим.

13. Жавобгар томонидан оталик суд мажлисида тан олинганда, суд ФПК 40, 180-моддаларига мувофиқ даъво тан олинганлигини қабул қилиш масаласини муҳокама қилиши ва у қабул қилинганда, иш ҳолатларини мазмунан текширмасдан, оталикни белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Оталикни белгилаш шартлари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари қонун билан белгиланганлиги сабабли, суд бундай иш бўйича келишув битимини тасдиқлашга ҳақли эмас.

14. Зарур ҳолларда боланинг келиб чиқишини (масалан, ҳомила пайдо бўлиш вақтини, уруғлантириш қобилияти бор-йўқлигини ва ҳ.к.) аниқлаш мақсадида суд Оила кодексининг 62-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, ўз ташаббуси ёки тарафларнинг илтимосномаси бўйича иш юзасидан суд-тиббий экспертизаси, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлаши мумкин.

Бундай экспертизалар тайинлашда судлар Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги **"Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида"**ги 24-сонли қарорида берилган тушунтиришларга асосланишлари лозим.

15. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ФПК 67-моддасига мувофиқ суд-тиббий экспертизаси, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси воситаларидан бири ҳисобланади ва шу сабабли улар иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи бўйича баҳоланиши лозим.

16. Судлар оталикни белгилаш тўғрисидаги талабни оталикни тан олиш фактини белгилаш ва оталик фактини белгилаш тўғрисидаги алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган талаблардан фарқлашлари лозим.

Агар оталикни тан олиш фактини, оталик фактини белгилаш тўғрисидаги аризани бериш ёки кўриш вақтида суднга тааллуқли бўлган ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, ариза кўрмасдан қолдирилади, аризачи ва бошқа манфаатдор шахсларга низони даъво ишларини юритиш тартибида ҳал қилиш ҳуқуқи тушунтирилади (ФПК 282-моддаси).

17. Ўзини боланинг отаси деб тан олган, бироқ боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс вафот этган тақдирда, суд унинг оталикни тан олганлиги фактини белгилашга ҳақли (1968 йил 1 октябрга қадар туғилган болаларга нисбатан бундай факт фақат бола марҳум вафот этган пайтда ёки олдинроқ унинг қарамоғида бўлган ҳолдагина йўл қўйилади).

Оталикни тан олиш факти суд томонидан вафот этган шахс болага нисбатан ўзининг оталигини тан олганлигини ишончли тасдиқловчи ҳар томонлама текширилган маълумотларга асосан белгиланиши мумкин.

Бундай факт ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўзини бўлажак боланинг отаси деб онанинг ҳомиладорлиги даврида тан олган шахс вафотидан кейин туғилган болага нисбатан ҳам белгиланиши мумкин.

18. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс вафот этган ҳолда, суд оталик фактини, яъни боланинг ўша шахсдан келиб чиққанлиги фактини белгилашга ҳақли.

1968 йил 1 октябрдан кейин туғилган болаларга нисбатан оталик факти Оила кодексининг 62-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасини ишончли тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлгандагина белгиланиши мумкин.

19. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик мақсадида тарафларнинг илтимосномасига кўра, оталикни белгилаш ҳақидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин (ФПК 10-моддаси иккинчи қисми).

20. Оталикни, оталикни тан олиш фактини, оталик фактини белгилашга оид ҳал қилув қарорлари суд томонидан ҳар томонлама текширилган ва арз қилинган талабларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи маълумотларга асосланган бўлиши лозим. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида оталикни белгилашни қайд қилиш учун зарур бўлган маълумотлар (отанинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг туғилган куни, ойи, йили ва туғилган жойи, миллати, доимий яшаш ва иш жойи) кўрсатилиши лозим.

21. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари оталикни белгилашга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва ушбу тоифа ишлар бўйича қонунчиликни қўллашда суд хатоларининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўришлари лозим.

22. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги **"Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида"**ги 6-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси **Б.МУСТАФОЕВ**

Пленум котиби, Олий суд судьяси **В.НАЗАРОВ**

Munosabat

Жамият барқарорлигининг асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримов Мустаҳкам оила йилининг мазмун-моҳияти, оилани янада мустаҳкамлаш, оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш ҳақида тўхталиб, шу муносабат билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган Давлат дастурида айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгидан қабул қилинадиган қонун, қоида ва меъёрларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётгани маърузада алоҳида қайд этилди.

Маълумки, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ. Шу боис давлатимиз раҳбари уларни оилага тайёрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаси эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

Буларнинг барчаси оилалардаги тўкинлик, тотувлик, оилавий хотиржамликнинг муҳим омилидир. Ана шу эзгу мақсадларни изчиллик билан рўёбга чиқариш мустаҳкам оиланинг мустаҳкам пойдеворидир. Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Qonun ko`magi

Фуқаролар манфаати муҳофазаси йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутади. Шу боис бу соҳа вакилларини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Бу борада юзага келаётган айрим муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида вилоят адлия бошқармасида "Ишонч телефони" ташкил этилган бўлиб, 2011 йилнинг дастлабки 9 ойи давомида "Ишонч телефони" орқали 58 та мурожаат қабул қилинди.



Шунингдек, адлия бошқармасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижросини жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа идоралар фаолияти орқали ўрганиб бориш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олдини олиш, фуқароларнинг мурожаатлари қай даражада қонуний ҳал этилаётганлигини аниқлаш имконини бермоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида бошқарма томонидан ўтказилган 97 та текширув натижасида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда 317 та, тадбиркорларни давлат рўйхатига олишда 93 та, лицензиялаш ва бошқа рухсатномалар беришда 178 та, рухсатсиз текшириш борасида 46 та қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилди.

Қонунбузарлик содир этган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан тегишли идораларга 164 та тақдимнома, 77 та огоҳнома ва 43 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 240 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка, 30 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган 14 та ноқонуний қарори бекор қилинди. Бундан ташқари судларга 184 та даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, адлия идоралари ҳуқуқни қўллашда ягона давлат сиёсатини олиб бориш, қонун ижодкорлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали фаолият юритмоқда. Бунинг исботи сифатида адлия бошқармасига жами 29 та маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилинганини кўрсатиш мумкин. Уларнинг аксарияти ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ҳамда тегишли хулосалар берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси қай даражада таъминланаётганлигини ўрганиш, ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш адлия идораларининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим белгиси ҳам юксак ҳуқуқий маданиятдир. Бинобарин, адлия идоралари ходимлари ўзларининг касбий вазифаларига масъулият билан ёндашиб, унинг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишлари лозим.

Салоҳиддин САТТОРОВ,
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенглик

Ҳаётда баъзан кутилмаган ҳодисалар учраб туради. Масалан, киши гоҳида билиб-билмай, эҳтиётсизлик туфайли хатога йўл қўйиши мумкин. Бундай пайтда ақл-мулоҳаза билан иш юритмаслик эса вазиятни баттар чигаллаштириб юбориши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам халқимиз азалдан келишмовчиликларни муроса-ю мадора йўли билан ҳал этиб келган. Хўш, муроса-ю мадоранинг афзаллиги нимада? У кишилар ўртасидаги муносабатларни тиклашда қанчалик аҳамиятга эга? Бу саволларга ҳаётий бир воқеа орқали жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Шу йилнинг 4 июль куни Мансур Қўлдошев (муайян сабабларга кўра, исм-фамилиялар ўзгартирилди) ўзининг "Жигули" русумли машинасида туман марказидан уйига қайтаётганди. Кутилмаганда йўл четида тўхтаб турган бир машина унинг йўлига чиқиб олди. Мансур машинани уриб олмаслик мақсадида рулни чап томонга кескин буриб юборди. Таассуфки, худди шу маҳалда йўлни йўловчи кесиб ўтаётган эди. Орадаги масофа жуда қисқалиги сабабли Мансур машинани тўхтатишга улгурмади...

Жабрланувчи ёшгина қиз экан. Мансур дарҳол бошқа машинани тўхтатиб, жабрланувчини туман марказидаги шифохонага олиб борди. Минг афсуски, шифокорлар кўрсатган тиббий муолажалар ҳам ёрдам бермади...

Ушбу кўнгилсиз ҳодиса ва уни келтириб чиқарган омиллар ҳақида ўйлаганда, шундай саволлар туғилади: ушбу нохуш ҳодиса нега руй берди? Унинг олдини олиш мумкинмиди?

Маълумки, «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 12.1-бандига кўра, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ҳолатини, йўл шароитини ҳисобга олиб машинани белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Транспорт воситасини бошқариш ва ҳаракатланиш чоғида ҳайдовчи, агарда хавф ёки тўсиқ юзага келса, машина тезлигини тўлиқ тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки учраган тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.

Islohot va samara

Назорат инстанцияси

фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу маънода фуқароларнинг суд ҳукми, ажрими ва қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи ҳам уларнинг конституциявий ҳуқуқи сирасига киради.

Одатда, жиноят ишларини кўришда биринчи инстанция судида айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланади. Бироқ суд томонидан қабул қилинган ҳужжатдан судланувчи ўз норозилигини билдирган тақдирда мазкур иш апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

Бошқача айтганда, қонунчилигимизда ўз ифодасини топган қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорлар устида шикоят қилиш имконияти судланган шахсларга юқори малакали юридик ёрдам кўрсатишга, унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасига мувофиқ, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида протест билдиришга ҳақлидир. Бунда шунга эътибор бериш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 511-моддасига биноан, чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибида кўриб чиқишга, улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдиргандагина йўл қўйилади.



Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги **"Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"**ги қарорида тушунтирилишича, назорат инстанцияси судида прокурорнинг иштироки шарт бўлиб, бундай ҳолда Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси биринчи қисми, 51-моддаси биринчи қисми 6-банди ва иккинчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, ушбу инстанцияда ҳимоячининг иштироки ҳам таъминланиши керак (Жиноят-процессуал кодексининг 52-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно). Шу сабабли прокурор ёки ҳимоячи келмаган ҳолларда ишнинг муҳокамаси кейинга қолдирилади.

Назорат тартибида берилган шикоят ҳажми, унда келтириладиган эътирозлар кассация шикоятига нисбатан кенг бўлади. Назорат шикоятида адвокат томонидан суд чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлиги ва асослигига нисбатан муносабати тўлиқ ифодаланиши лозим. Демак, адвокат томонидан жиноят ишини тўлиқ таҳлил қилиш асосида мантиқий фикрлар, қонунбузилиш ҳолларини аниқлашда муайян билим ва кўникмалар шаклланган бўлиши лозим.

Назорат инстанцияси суди назорат тартибида шикоят, илтимоснома берилган вақтда жиноят иши материалларини билан таниш бўлмайди. Шу боисдан назорат тартибида берилган шикоят ва илтимосномага суднинг шикоят қилинаётган ҳукми (ажрими, қарори) нусхаси, юқори инстанция судининг қарори (апелляция ёки кассация инстанция судининг ҳукми, ажрими, қарори) илова қилинади. Бундан ташқари адвокат томонидан назорат тартибида бериладиган шикоят, илтимосномада билдирилаётган фикрлар, нуқтаи назарларни асослашга хизмат қилувчи бошқа процессуал ҳужжатлар (маълумотномалар, тавсифномалар, адвокат ордери кабилар) ҳам илова қилиниши мумкин.

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 515-моддасига асосан, илтимоснома билан мурожаат этувчига қабул қилинган қарор ҳақида хабар берилади.

Айтиш керакки, назорат инстанциясида иштирок этиши учун адвокат аввало, касб малакасига, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиши, жиноят-процессуал қонунчилик ва моддий ҳуқуқ меъёрларидан бохабар бўлиши талаб этилади. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида адвокатура институтининг ҳам такомиллаштирилиши ва жиноят ишининг ҳар қандай босқичида малакали ҳуқуқий ёрдамнинг таъминлашини тақозо этади. Бу эса, жиноят-процессуал қонунчилигининг амалда тўғри қўлланилишига, суд жараёнида тортишув тамойили таъминланишига, суднинг ҳукм, ажрим ва қарорларини назорат тартибида текшириш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, адвокатура институтининг нуфузи ортишига хизмат қилади.

Хайрулла КЎЧҚОРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Bag`rikenglik tamoyillari

Зарарни ихтиёрий қоплаш

жазо тайинлашда айбни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Нафс қутқусига берилиб, ўз мансабини суиистеъмол қилди. Энг ачинарлиси, у бошқаларни ҳам қинғир ишига шерик қилди.

Аниқланишича, судланувчи Аминжон Ашуров Андижон шаҳридаги «Деҳқон бозор қурилиш» дирекцияси раҳбари лавозимида фаолият юритган. 2006 йилнинг 10 июнида бозор ҳудудида 2 та ёпиқ павильон, 1 та очиқ павильон, 75 та савдо дўкони ва 107 квадрат метр ер ости иншоотн қурилиши бошланиши билан Аминжон Ашуровнинг куни туғади. Гап шундаки, ушбу қурилишни 2007 йилнинг 1 февралида «Андижон деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятига топшириш — қабул қилиш далолатномасида 309.511.605 сўм бўлган ер ости иншоотини кўрсатмасдан маълумот беради. А. Ашуров бу ҳақда бош ҳисобчи Д.Маҳмудов билан ўзаро жиноий тил бириктиради.

Ҳадемай қурилиш майдонидаги объектлар қад ростлади. Бозор қурилишининг биринчи босқич қурилишида 75 та дўкон билан бирга бозор ҳудудида жойлашган ертўла ҳам қуриб битказилади. Шундан сўнг улар кимошди савдосида сотилади ва савдодан тушган пуллар пудратчи ташкилотларга бажарилган ишлар учун берилди. Лекин ертўла сотилмай қолади. Янги қуриб битказилган объектларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш вақтида 107 квадрат метр бўлган ертўла биноси атай тушириб қолдирилади. Қонунга зид йўлдан борадиган раҳбар ва бош ҳисобчи ертўлани кимошди савдосига қўйган бўлишади. Бироқ ертўла биноси сотилмай қолиб кетади. Бу А. Ашуров ва Д.Маҳмудовлар учун айни муддао эди.

Орадан кўп ўтмай қонунбузарлар ертўлани вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги «Таълим қурилиш хизмат» ишлаб чиқариш корхонасига қарздорлиги эвазига ҳакамлик суди қарори асосида бериб юборишади. Оқибатда жами 30.511.605 сўмлик мол-мулк камомад қилиш йўли билан талон-торож этилади.

Бироқ жиноят жазосиз қолмайди. Б.Ашуров ва Д.Маҳмудовлар "сир"лари ошкор бўлгач, айбларига иқрор бўлишдан ўзга чора топа олмадилар.

Энг муҳими, судланувчилар ўзларининг хатоларини чуқур англаб, етказилган моддий зарарни судгача тўлиқ қоплашди. Бу эса, суд ҳайъати томонидан ҳукм чиқаришда эътиборга олиниб, судланувчиларга енгилроқ жазо тайинлашда асос бўлди.

Аслида ҳам шундай. Қинғирликка йўл қўйган, бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан қўрқмаган кимсаларнинг қилмишлари, охир-оқибат, ошкор бўлади. Бундай пайтда нафақат жиноий жазо, балки эл олдида юзшувут бўлишдан ёмони йўқ. Шунинг учун бундай ҳолга тушмасликни ақли расо одам олдиндан ўйлаши, шунга яраша иш тутиши даркор.

Раҳматжон РАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг раиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу йилнинг 13 декабрида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган **"Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида"**ги қонун бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Маълумки, мазкур Битим жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ)нинг асосий мақсадлари ҳамда вазифаларини белгилаб беради, унинг устав органларини ҳамда ЕОГга аъзо бўлиш шартларини, шунингдек, ташкилот фаолиятини молиялаш механизмларини аниқлаштиради.

Huquqiy ma`rifat

Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш

жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида сенаторлар ушбу ҳужжатни муҳокама қилиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг ЕОГ фаолиятида иштирок этиши жиноий даромадларни легаллаштиришга (тозалаб олишга) ва терроризмни молиялашга қарши курашиш соҳасида Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари билан конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтишди.

Мамлакатимизда ушбу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини оширишда қонунчилик асослари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик ҳам тобора ривожлантирилмоқда.

Зеро, коррупуция шундай иллатки, у демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отишига олиб келади. Президентимиз **"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"** асарида таъкидлаганидек, "...у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир".

Шу боис жаҳон ҳамжамияти барча куч ва воситаларни бирлаштирган ҳолда коррупцияга қарши кураш олиб бориши зарур. БМТнинг юқорида номи қайд этилган Конвенциясида ҳам коррупцияга чалинган шахслар жамият ишончини оқламасалар, бундан кейин уларнинг кирдикорларига ҳеч ким чидаб турмаслиги ҳақида қатъий огоҳлантирилади.

Ушбу Конвенция ривожланишга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун дунёни такомиллаштиришга қаратилган ишларда ҳалоллик, ҳуқуқ устуворлигини ҳурмат қилиш, ҳисобот юритиш ва ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Ушбу Конвенцияга аъзо давлатлар коррупциянинг энг кенг тарқалган шакллари жиноятчилик тоифасига киритилиши учун тегишли профилактик ва қонуний чораларни кўришга даъват этилади. Шунингдек, ушбу ҳужжатда коррупция йўли билан қўлга киритилган маблағлар қайси мамлакатдан ўғирланган бўлса, ўша юртга қайтарилишини талаб қилиш ҳақидаги яна бир муҳим қоида мавжуд.

Айтиш керакки, ўз аҳамиятига кўра, дунёда илк марта қўлланилган бундай қоидалар коррупциянинг олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, бундай йўл билан жамланган маблағларни қайтариш мақсадида давлатлар ўртасида янада фаол ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратади.

Конвенция талаблари коррупцияга оид миллий қонунчиликни яна бир бор таҳлил этиш, зарурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва шу орқали коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишни назарда тутади. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция фактларини аниқлаб, уларни йўқотиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бошқарув ва иқтисодий соҳада бу иллатнинг олдини олиш бўйича зарур профилактик имкониятларни ишга солиш, давлат хизмати учун кадрларни танлаш, тайёрлаш жараёнларида холислик ва адолатлилик мезонларига амал қилиш каби омилларни эътиборга олиш таъкидланган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ушбу халқаро ҳужжатлар дунё миқёсида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш билан бирга унинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Зуфар УСМОНОВ,
Олий суд судьяси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қонуний неустойка деганда нима тушунилади?

Ш.ШОДИЕВА,
Қонимех тумани

— Фуқаролик кодексининг 263-моддасига биноан, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъий назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинади?

Т.АШУРОВ,
Пайариқ тумани

— Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугагач, ходим ишни тўхтатиши мумкин, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисобкитоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир. Агар огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

эзгуликка йўл очади

Мансур Қўлдошев ана шу талабларга риоя этмаган. Кўнгилсиз ҳодиса эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан. Ҳайдовчи жабрланувчини шифохонага олиб борганидан сўнг воқеа жойига қайтиб келган ва ички ишлар ходимларига тушунтириш берган. Марҳуманинг қариндошларидан кечирим сўраган, ўзининг содир бўлган кўнгилсизликдан қаттиқ афсусда эканлигини билдирган.

Жабрланувчининг қариндошлари Мансурнинг бу нохушликдан изтироб чекаётгани, йўлтранспорт ҳодисасини атай содир этмагани, қолаверса, ўзининг айбига иқрор бўлган ҳолда барча маросимларда тўлиқ қатнашиб, одамгарчилик қилганини тан олишди. Бошқача айтганда, жабрланувчининг қариндошлари муроса билан иш тутишни ақлдан деб билишди. Шу боис ҳам М.Қўлдошевга даъво қилишмади.

Қонунларимизда халқимизнинг табиатига хос бўлган бундай фазилатлар ўзининг теран ифодасини топган. Жумладан, Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги **"Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг 14-бандида шундай раҳбарий кўрсатма берилган: "Судлар йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ ишларни кўриб, айбдорга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, ҳар доим ҳам содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, йўл-транспорт ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хулқи, жабрланувчига нисбатан ҳаракати (хулқи-ҳаракати деганда, шахснинг йўлтранспорт ҳодисаси рўй берганидан кейин жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракати, тез даволаниши учун моддий-маънавий ёрдам берганлиги, фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги, шунингдек, жабрланувчи вафот этган тақдирда, дафн маросимларига, жабрланувчининг оила аъзоларига ёрдам кўрсатганлиги) ва бошқа жазони енгиллаштирувчи-оғирлаштирувчи ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт".

Суд М.Қўлдошевга нисбатан жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олди. М.Қўлдошев Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, шу модда билан уч йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, тўрт йил озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинди. Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазоси шартли жазога айлантирилиб, М.Қўлдошевга нисбатан уч йил синов муддати белгиланди.

Кўриниб турибдики, қонунчилигимизнинг либераллашуви ва демократлаштирилиши амалда ижтимоий муҳитни барқарорлаштиришга, фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга, турли келишмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Зеро, бағрикенглик, кечиримлилик, ўзгани тушуниш сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган муроса туйғуси инсонларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

Бахром МУҲАММАДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судининг раиси

Qilmish-qidirmish

Мансаб масъулияти

у, биринчи навбатда, ҳалоллик, ташаббускорлик ва омилкорликни талаб этади

Мансаб — энг аввало, масъулият деганидир. Лекин айрим кимсалар мансаб курсисига ўтиргач, эл-юрт манфаатидан кўра, шахсий манфаатини устун қўя бошлайди. Табиийки, бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳеч қачон изсиз кетмайди...

Бундан анча йил муқаддам Э.Ҳамдамов «Карманатумангаз» филиали бошлиғи лавозимига тайинланган эди. Аввалига Э.Ҳамдамов масъулият билан фаолият юритиб келди. Лекин вақт ўтиши билан унинг иш юритиши салбий томонга ўзгара бошлади. Энг ёмони, ишга сохтакорлик аралашди. Э.Ҳамдамов ўз манфаатини кўзлаб, расмий ҳужжатларга билатуриб, сохта маълумотлар киритиши турли иллатларни юзага келтирди.

Халқимиз «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади», дея бежиз айтмаган. «Карманатумангаз» филиалида вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ва вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан ҳужжатли текшириш ўтказилганда, бир қатор қинғирликлар очилиб қолди.

Гап шундаки, Э.Ҳамдамов филиал бошлиғи лавозимида фаолият юритиб, масъул мансабдор шахс бўла туриб, шахсий манфаатини кўзлаб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ

Ҳар қандай доноликнинг замирида сабр-қаноат мужассам.

* * *

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл солади.

* * *

Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

* * *

Ҳар икки томонни обдон тингламай, ҳукм чиқарма.

* * *

Кишилардан ўзингга қандай муомала кутсанг, ўзинг ҳам уларга худди шундай муомала қилгин.

* * *

Ҳамроҳини мушкул дамда ташлаб кетган одам ҳеч ерда ҳаловат тополмайди.

* * *

Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар.

* * *

Фарзандингизни хушхулқ ва фозил бўлишга ўргатинг. Кимки ёшлигида яхши хулқ ва одобни эгалламас экан, улғайганда ундан билим талаб қилиб бўлмайди.

* * *

Ёлғон сўзлаш, эзмалик, такаббурлик, чақимчилик кишининг обрўсини тўкади. Вафодорлик, сабр-қаноат, мулоҳазакорлик ва тавозе кишини обрўли қилади.

* * *

Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, янада яхшироқдир.

* * *

Бир шам бошқа бир шамни ёқиши билан нури камаймайди.

Fuqarolik qonunchiligi

Оила — жамиятнинг муҳим бўғини

унинг барқарорлиги учун барчамиз масъулмиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, инсон камолотида оиланинг ўрни беқиёс. Албатта, оила тинч ва мустаҳкам бўлса, унда бахтли турмуш вужудга келади ва фарзандлар тарбияли, юрт корига ярайдиган шахс бўлиб вояга етади.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида оиланинг фаровонлиги, осойишталиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бош Қомусимиздa оилага бағишланган махсус боб ажратилган бўлиб, унда оиланинг барча ҳуқуқий асослари, уни муҳофазалаш тамойиллари белгилаб берилган. Шу асосда қабул қилинган Оила кодексида оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий манфаатлари ифода этилган.

Айтиш керакки, ҳаётда тинч, фаровон турмуш қуриб, халқнинг эртанги кунига ярайдиган фарзандлар тарбияси билан машғул бўлаётган оилалар билан бир қаторда баъзан эр-хотиннинг бир-бирларини тушунмаслиги оқибатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Судлар мазкур даъво аризаларини кўриб чиқиш жараёнида оилани сақлаб қолишга, айниқса, вояга етмаган фарзандлари бўлган эр-хотиннинг никоҳи бузилишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Судлар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўйилган важларни, улар ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини ҳар томонлама текширишга мажбурлигини қайд этиш лозим.

Судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда қонунчиликни тўғри ва бир хилда қўланилишини таъминлашда Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги қарори муҳим ўрин тутади.

Айтиш керакки, судларга берилаётган даъво аризалар ўрганилганда, баъзи ҳолларда даъво аризалар вакил орқали берилган ҳоллар ҳам учраб туради. Албатта, тарафлар суд мажлисида вакили орқали талабларини қўйиш ҳуқуқига эга, лекин юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 14-бандига асосан, суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиш, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабини аниқлаши шартлигидан келиб чиқиб, суд ишни иккала тарафнинг иштирокида кўриши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этсак, Ш.Суҳробов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) судга мурожаат этиб, С.Шарипова билан туман ФҲДЁ бўлими томонидан қайд қилинган никоҳини бекор қилишни сўраган. Даъвогарнинг баён қилишича, фарзанди туғилганидан сўнг С.Шариповaнинг руҳиятида салбий ўзгариш юз берган экан. Аммо у судга жавогарнинг касаллигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат тақдим этмаган.

Шундай бўлса ҳам, суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган, ўртадаги фарзанд С.Шариповaнинг тарбиясида қолдирилган.

Ушбу ҳал қилув қароридан норози бўлган С.Шарипова кассация шикояти келтирган. У аризасида ўзининг ҳеч қандай руҳий касалликка чалинмаганини, биринчи босқич суди томонидан яраштириш чоралари кўрилмаганлигини, суд ишни даъвогар Ш.Суҳробовнинг иштирокисиз кўрганлигини, ҳолбуки, унинг ҳам оилани сақлаб қолиш нияти бўлганини қайд этиб, даъвони рад қилишни сўраган. Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан жавобгар С.Шариповaнинг кассация шикояти қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасидаги оилавий келишмовчиликлар сабаблари ҳамда оилани сақлаб қолиш имконияти бор-йўқлиги ҳолатлари аниқланмасдан қабул қилинганлиги учун биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори бекор қилинди. Қолаверса, суд мажлисида тарафларнинг бирга яшашга истаги борлиги, келишмовчиликка асосан яқин қариндошларнинг аралашувлари сабаб бўлгани ҳам аниқланди.

Бу ҳаётда турли сабаблар боис оилада ҳар хил чигал вазият юзага келиши мумкин. Муҳими, бундай паллада эр билан хотин бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши лозим. Ақл билан иш тутилса, вақт ўтиши билан, муносабатлар яна изга тушиб кетади.

Айтиш жоизки, қонунчилигимизда ана шундай ўзига хос жиҳатлар ҳам акс этган. Аниқроғи, Оила кодексининг 40-моддасига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан белгиланган тартибда кўрилади. Бунда суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Яъни бу ярашиш учун берилган муддатда арзимас гина-кудуратлар унут бўлиши, эр-хотиннинг муносабатлари яна аввалгидай барқарорлашиши мумкин.

Шу ўринда яна бир мисол, Б.Дурдиев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, З.Оқилова билан ўртасидаги никоҳни бекор қилишни сўраган. Ажрашиш сабаби сифатида эса, даъвогар фарзанди туғилгач, жавобгар билан иккаласи ўртасида ўзаро жанжаллар чиқа бошлаганлигини кўрсатган. Биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, ўртадаги фарзанд З.Оқилованинг тарбиясида қолдирилган.

Биринчи босқич судининг ҳал қилув қароридан норози бўлган З. Оқилова кассация шикояти билан мурожаат қилиб, суд томонидан уларга ярашиш учун муддат берилмаганлигини, суд ишни жавобгар иштирокисиз кўрганини, оилани сақлаб қолиш имконияти борлигини далил қилиб, даъвони рад этишни сўраган.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 16-бандига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги талаб фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришлариининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳоллардагина қаноатлантирилиши лозим. Вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан жавобгар З.Оқиловaнинг кассация шикояти қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасидаги оилавий келишмовчиликлар сабаблари ҳамда оилани сақлаб қолиш имконияти бор-йўқлиги ҳолатлари тўлиқ аниқланмасдан қабул қилинган биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори бекор қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, оила — муқаддас маскан, жамият ҳаётида эзгуликни умр мазмуни деб билгувчи юксак маънавиятли инсонлар ўсиб-улғаядиган даргоҳдир. Шундай экан, уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлашга барчамиз масъулмиз.

Маъруфжон ТОЖИБОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси

Sirli olam

Хотира ғаройиботлари

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Кўҳна Шарқ ҳамиша буюк мутафаккир ва алломалари билан фахрланади. Зеро, улуғ боболаримиз нафақат юксак илмий салоҳияти, айни чоғда қувваи ҳофиза бобида ҳам бошқалардан асло қолишмаган. Масалан, Алишер Навоий болалигида Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини бошдан-оёқ ёд олгани ўқувчиларимизга яхши маълум.

Тарихий манбаларда Мирзо Улуғбекнинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда кучли бўлгани алоҳида таъкидланади. Айниқса, шикор билан боғлиқ бир воқеа кўп эсланади. Ўша кезларда ҳукмдорлар бир неча кунлаб овга чиқишган. Ўлжаларнинг сон-саноғи ҳам шунга яраша бўлиб, шикор давомида аниқ ҳисоб-китоб олиб борилган.

Бир гал шикор тугаб, саройга қайтилганда, иттифоқо, ана шу рўйхат йўқолиб қолибди. Нечоғли зўр бериб излашмасин, барибир, топилмабди. Шунда Мирзо Улуғбек хотирасига таяниб, ўлжалар рўйхатини қайтадан ёзиб чиқибди. Бу иш қанчалик мушкуллигини тасаввур қилиш учун ўтмишдаги шикорлар нақадар маҳобатли бўлганини эслаш керак.

Шундай экан, улкан шикорнинг бошидан-охиригача кунма-кун қайси дарранда-ю қайси паррандадан қанчадан ов қилинганини эслаб қолиш амримаҳол, албатта. Бироқ Мирзо Улуғбекнинг ўткир хотираси мана шуларнинг ҳаммасини эслаб қолиш салоҳиятига эга бўлган экан. Энг ҳайратланарлиси шундаки, орадан маълум вақт ўтиб, аввалги рўйхат топилганида у кейингиси билан айнан тўғри чиқибди!

Севимли адибимиз Пиримқул Қодировнинг "Авлодлар довони" романида Мирзо Бобурнинг невараси — Акбаршоҳнинг ноёб қобилияти ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Акбаршоҳ бургутдек ўткир нигоҳли бўлган экан. Масалан, у олисдаги кишининг лаблари қимирлаши у ёқда турсин, ҳатто кундузи осмоннинг чароғон бўлмаган қисмида юлдузларни ҳам кўра олган. Фарангистонлик меҳмон Антонио Монсеррат "Шарҳлар" номли хотираларида Акбар шоҳнинг кўзларидаги ғаройиб шижоат ҳаммани ром этиб қўйганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, Акбаршоҳ ноёб қувваи ҳофизага ҳам эга бўлган. Масалан, у ўз давлатидаги минглаб одамларнинг исми ва мансабини билар, шунингдек, юзлаб жанговор филлар ҳамда отларга ўзи ном бериб, уларни бир кўргандаёқ таниб оларди...

* * *

Хотира ҳақида сўз кетганда, хаёлан ҳисоб-китоб қилувчи ғаройиб хислатли одамлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, инсон қувваи ҳофизасининг кучи яққол кўринадиган бу ажабтовур ҳодисани математиклар қаторида психолог олимлар ҳам қизиқиб ўрганишлари бежиз эмас.

Грузиялик Арон Чиквашвили кўп хонали сонлар билан ҳисобларни худди писта чаққандек осонгина амалга оширар, бунда на толиқар ва на янглишарди. Бир гал дўстлари унинг ғаройиб имконияти қай даражадалигини текшириб кўриш учун бир синов ўтказишди. Топшириқ оғир — Арон "Спартак" (Москва) — "Динамо" (Тбилиси) футбол жамоалари ўртасидаги ўйиннинг иккинчи қисмида шарҳловчи қанча сўз айтиши ҳамда ўша сўзларда қанча ҳарф бўлишини ҳисоблаб чиқиши керак эди.

Ўйин бошланиши билан магнитофон ёқилди. Учрашув якунланиб, шарҳловчи сўнгги сўзини айтган заҳотиёқ Арон жавоб берди:

— Жами 1835 та сўз айтилди, уларда 17 427 та ҳарф бор.

Унинг айтганларини текшириб чиқишга беш соат (!) вақт кетди. Жавоб эса... тўппа-тўғри эди!

Ғаройиб истеъдодли кишилар ўртасида тақвимларни ҳисоблаш билан боғлиқ вазифалар жуда кенг оммалашиб кетган. Улар ўнлик ҳисобига мос келмайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиб (зотан, ҳафта 7 кун, бир кеча-кундуз 24 соат, бир соат 60 дақиқадан иборат ва ҳоказо), хаёлан минглаб йил нарига кетишарди. Атиги бир неча лаҳза ичидаёқ юзлаб амалларни бажариб, милоднинг 180 йил 1 январи жума куни бўлганини айтишарди. Шу ишларнинг бари эса кабиса йилларини, 1582 йили тақвим алмаштирилгани ва ҳоказо омилларни ҳисобга олган ҳолда бажаришарди.

Бу антиқа одамлар, масалан, Қадимги Рим императори Нероннинг ўлимидан буён то Константинопол ҳалокатга учрагунига қадар неча лаҳза ўтганини ҳам айтиб бера олишарди. Шундай ҳисобловчилардан иккитаси — Иноди билан Дагбер баъзан ўзаро ҳазиллашиб, бир-бирларига "28 448 723 йилнинг 13 октябри ҳафтанинг қайси кунига тўғри келади?" — қабилидаги саволларни беришарди.

ХХ асрнинг 80-йилларида, оғзаки ҳисоб бўйича ҳатто норасмий жаҳон рекорди ҳам ўрнатилди. Унинг соҳиби Женевадаги Европа ядро тадқиқотлари марказининг ходими, голланд математиги Валем Клейн бўлди. У 133 рақамли сондан 19-даражали илдиз чиқарар ва бу қобилиятини томошабинлар олдида ҳам намойиш этарди. Клейннинг таклифига биноан томошабинлардан бири олти рақамли сонни ўйлаб айтар, кейин ЭҲМ шу сонни 37-даражага кўтариб, натижани — 220 та рақамдан иборат сонни Клейнга узатарди. У эса мана шу маҳобатли сондан 37-даражали илдиз чиқариб, олинган натижани — дастлаб ўйланган олти рақамли сонни айтарди. Ҳисобловчи ана шу амалларнинг барчасини хаёлда бажариши учун бор-йўғи 26 сония вақт сарфларди, холос.

Математикларнинг фикрига кўра, мўъжиза ҳисобловчилар атиги бир неча лаҳза ичида, гўёки писта чаққандек осонлик билан бажарувчи айрим масалаларни оддий усулда ҳисоблаб чиқиш учун бир неча ой талаб қилинади. Ҳатто шундан сўнг ҳам олинган натижаларни узоқ вақт мобайнида текшириб чиқишга ёки электрон машина ёрдамида аниқлашга тўғри келади.

(Давоми келгуси сонда)

Т. КАМОЛОВ,
кимё фанлар номзоди

Доно халқимиз нимани эксанг шуни ўрасан, деб бежиз айтмаган. Боиси бу ҳаётда ҳар ким қилган амалларига яраша турмуш кечиради. Ҳалол меҳнат, тўғрисўзлик инсонни камолотга элтса, бунинг акси, ҳеч шубҳасиз, юзшувутликка етаклайди.

Saboq

Ёлғоннинг умри қисқа

Айтиш керакки, ҳаётда айрим кимсалар ҳасад, ўзгаларни кўра олмаслик, ўч олишдек иллатлар гирдобига тушиб, нима қилаётганини баъзан чуқур ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу ҳолат, айниқса, уларнинг бирор иши битмай қолганда янада авж олади. Оқибатда бу бир айбсизнинг устидан туҳмат, бўҳтон ёғилишига сабаб бўлади.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Тўрақўрғон туманида истиқомат қилувчи Ҳалима Раҳимова ҳамда Замира Жўраеваларнинг айтишича, улар 2009 йил декабрь ойида Тўрақўрғон педагогика коллежига ўқиш кириш мақсадида боришади. Бу ерда ўқитувчи бўлиб ишловчи О.Саматов, комендант бўлиб ишловчи С.Султонов билан танишиб, уларга ўқишга киритиб қўйишлари учун иккаласи 100 АҚШ долларидан, жами 200 АҚШ доллари беришади.

Лекин қизлар ўқишга кира олмайдилар. Шундан сўнг улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилишади.

Аммо, ушбу ариза ўз исботини топмади. Суд жараёнида барча нарса ойдек равшан бўлди. Яъни ўқитувчилар умуман пул сўрамаган. Лекин ўқишга кира олмаган дугоналар жаҳл устида ариза ёзиб, ўч олишни режалаштиришган. Аммо улар бунинг уддасидан чиқа олмай, ўзлари жавобгар бўлиб қолдилар. Мана ёлғон хабар беришнинг оқибати.

Маълумки, Жиноят кодексининг 237-моддасида ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб, ёлғон хабар бериш энг кам ойлик иш ҳаққининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда; ғаразгўйлик ниятларида; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бировга туҳмат қилиш, нотўғри, сохта маълумот тарқатиш, бир сўз билан айтганда, ёлғончилик нафақат эл-юрт олдида обрўни тўкади, айни пайтда қонуний жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради. Шундай экан, ҳар биримиз бу дунёда инсонийликни унутмаган ҳолда, ростгўйлик, лафзлиликни умр мезони билиб яшайлик.

Қобилжон ХОЛБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани судининг раиси.

Qilmish-qidirmish

Мансаб масъулияти

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

У ўзининг мавқеи ҳамда хизмат ваколатидан фойдаланиб, филиал абонент бўлими катта устаси М.Аҳмедов ва бўлим муҳандиси А.Полвонова билан жиноий тил бириктирган. Улар «Карманатумангаз» филиали истеъмолчиларининг табиий газга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама ўрганиб иш тутиш ўрнига, сохтакорлик йўлини танлашган.

Маълум бўлишича, «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасидан ҳар ойда олинган табиий газ туман аҳолисига ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилган. Бироқ 2008 — 2010 йиллар давомида 942 миллион 817 минг 400 сўмлик 16 миллион 102 минг 500 метр куб табиий газдан эгасиз қарздорлик юзага келган. Афсуски, Э.Ҳамдамов ҳам, М.Аҳмедов билан А.Полвонова ҳам бунинг сабабини аниқлаш ва олдини олиш чорасини кўришмаган. Табиий газдан ноқонуний фойдаланаётганларни топиш ва бундай ҳолатга нисбатан ваколатлари доирасида чора кўриш ўрнига, қонунга зид йўлни танлашган. Яъни улар йўқотилган табиий газнинг истеъмолчиларга сотилганлиги тўғрисида ҳисоботларга сохта ёзувлар киритишган. Албатта, ҳаётда ҳар қандай қонунга зид хатти-ҳаракат жазосиз қолмайди.

Суд Э.Ҳамдамов, М.Аҳмедов ва А.Полвоноваларни Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми ва



209-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топди. Шунингдек, суд Э.Ҳамдамовга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 350, М.Аҳмедовга 320 ва М.Полвоновага 300 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади. Судланувчиларнинг эгаллаган лавозими билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этганликларини ҳисобга олиб, Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, уларни муайян муддат мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этди.

Ўзига ишониб топширилган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, қонун доирасидан четга чиқиш, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумот ва ёзувлар киритишнинг оқибатлари ана шундай якун топди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, халқимиз меҳр-оқибатли, диёнатли. Фуқароларимиз табиий газ ва электр-энергиясига талаб ҳамда эҳтиёж катта эканлигини тўғри тушунишади. Шу боис ўз вақтида тўловларни амалга оширишади. Бироқ кўпнинг орасида бурчга хиёнат қилувчилар борлиги ҳам рост. Ахир, шоли курмаксиз бўлмайди, дейишадику. Лекин табиий газ, электр-энергияси, ичимлик суви ва бошқа шу каби тармоқлар идоралари раҳбар ҳамда мутасаддилари бундай қинғир йўл тутувчи кимсаларга нисбатан муросасиз бўлишлари керак. Акс ҳолда «Карманатумангаз» филиали мансабдорлари ҳолига тушиб қолмасликларига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Махфират ШОДИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Кармана тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-1216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5527.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰